



САНЪАТДАГИ СОЯПАР

5-бетда

ИБРАТ БУЛОҒИДАН СУВ ИЧГАН БОЛА

6-бетда

УЗОҚЛАШАЁТГАН ЯҚИНЛИК

8-бетда

# Оила Ва жамият

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ислом КАРИМОВ

20 (1275)-сон 18 май 2016 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

# Жамият

Менинг фикримча...

## ГАЗЕТАНИНГ 22 ЙИПЛИК МУХЛИСИМАН



**Беруний АЛИМОВ**, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультети ўқитувчиси:

– “Оила ва жамият” газетаси дастлабки сонларига қараганда, ҳам мазмун, ҳам дизайн жиҳатдан анча тараққиланган. Бирма-бир варақлар экансиз, унинг саҳифаларида маҳалладан тортиб, то талбиркорлик соҳасигача чуқур ва таҳлилий ёндашилган материалларни ўқитиш мумкин. “Оила ва жамият” газетаси бошқа нашрлардан халқчиллиги, ўз сўзига эгаллиги билан ажралиб туради. Газета ҳеч қачон шов-шувли вазиятлар, сенсациянинг ортидан қувмаган. Мазкур нашрни жаҳон медиа маконида фаолият олиб бораётган газеталардан бири сифатида қадрлайман. Газетанинг 22 йиллик мухлисман, десам адашмаган бўламан.

Баъзи оммавий ахборот воситалари рунларни тез-тез алмаштириш орқали ўқувчининг эътиборини тортиш мумкин, деб ўйлайди. Менинг назаримда рунларни ҳадеб алмаштираверилишнинг кераги йўқ. Чунки, муштарий аввалгисига ўрганиб қолгани сабабли янгисига кўникиши қийин кечади.

“Оила ва жамият” газетасидаги рунлар нашрининг йўналишидан, Соғлом она ва бола йиллигини моҳиятидан келиб чиққан ҳолда замон талабларига мос равишда ташкил қилинган сезилиб туради.

Газетада ўзбек оилалари мустақамлигини жаҳонга кўз-кўз қила оладиган чуқур таҳлилий материаллар сонини кўпайтириш лозим, деб ўйлайман. Менинг фикримча, “Оила ва жамият” газетасининг сайтида айнан мана шундай ибрат бўлса арзигулик инсонлар ҳақида ёритилган мақолаларни инглиз тилида чоп этиб бориш ҳамда ижтимоий тармоқларда ҳам нашрининг мухлисларини кўпайтиришга эришиш лозим.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами олдидан

## ХОТИН-ҚИЗЛАР СПОРТИ: ЮКСАК ЭЪТИБОР САМАРАСИ



А.Маликов коллажи.

Жаҳон афкор оммаси шу йилнинг 5–21 август кунлари Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтаётган тўрт йилликнинг энг нуфузли спорт байрамини интиқлик билан кутмоқда. Миллий олимпия кўмитаси маълумотларига кўра, бугунгача элликка яқин спортчимиз Олимпиада йўлланмасини кўлга киритди. Уларнинг 17 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Бу борадаги маълумотларни қузатар экансиз, қалбингиз фахр-ифтихорга, гурурга тўлади.

Таниқли спорт гимнастикачимиз Оксана Чусовитина Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган лицензион мусобақада юқори натижага эришиб, еттинчи бор Олимпиада йўлланмасига эга бўлди. Дунё спорт гимнастикачилари орасида Оксанадан бошқа бирор бир спортчи бундай юқори натижага эриша олмаган.

Яна бир машҳур спортчимиз Екатерина Хилько ҳам “Рио-2016” ўйинларида йўлланмани кўлга киритди ва бу унинг бешинчи Олимпиадасидир. Бугунга қадар трамплинчилар орасида фақатгина тўрт нафар спортчи тўрт бор Олимпиада ўйинларида қатнашиб бахтига мушарраф

бўлган. Эндиликда Екатерина дунё трамплинчилари орасида яқка пешқадамга айланди.

Олимпиада баҳсларида Анастасия Сердюкова, Самара Аморова, Валерия Давидова, Луиза Ганиева, Зарина Қурбонова, Марта Растобурова бадий гимнастика, Ситора Ҳамидова, Светлана Радзивил, Марина Хмелевская, Екатерина Воронина енгил атлетика, Ольга Умаралиева байдарка ва каноода эштак эшиш, Нигора Турсуновлова таэквондо (WTF), Раънохон Аманова сузиш, Едгорой Мирзаева бокс бўйича Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Аввалги йиллар билан солиштирганда ўзбекистонлик спортчи хотин-қизлар эришган кўрсаткичлар ҳам, нуфузли мусобақаларда қатнашган опа-сингилларимиз сони ҳам йилдан-йилга ортиб бораётганига гувоҳ бўлаемиз. Буларнинг барчаси — Президентимиз томонидан мамлакатимизда аёллар спортини ривожлантиришга, хотин-қизларни оммавий спортга жалб этишга қаратилган юксак эътибор самарасидир.

(Давоми 3-бетда)

# СОҒЛОМ БОЛА — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманидаги «Чақмоқ» маҳалласида жойлашган 25-умумтаълим мактабида намунали тиббиёт хонаси иш бошлади.**

Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофизат қилиш бора-сидаги давлат дастури тўғрисида» ҳамда 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиё-



сатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижроси доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг аҳоли, айниқса, аёллар ва никоҳдан ўтадиган ёшлар орасида соғлом оила қуриш, соғлом фарзандлар туғилиши ва тарбия қилиш масалалари бўйича тизимли асосда тушунтириш ишларини ташкил этиш мақсадида қўшма дастури қабул қилинди. Унга кўра, юртимизнинг 193

туманида умумтаълим мактабларида намунали тиббиёт хоналари ташкил этиш ва замонавий жиҳозлаш белги-ланган. Мақсад — бирламчи тиббий-санитария ва профилактик ёрдам кўрсатиш, ўқувчиларнинг саломатлиги ҳамда жисмоний ривожланиши, ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтиришдан иборат.

— Ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун энг аввало, йиллар синовидан ўтиб келаётган «Оила-мактаб-маҳалла» концепцияси асосида ишлашимиз керак, — дейди Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Файзиева. — Ишчи кўнгилдагидек ташкил этишда таълим муассасалари бизга яқиндан ёрдам бермоқда. Тадбирда маҳалланинг «Са-



ломатлик сектори» аъзолари ҳамда оилавий поликлиника мутасаддилари ҳафта кунлари тақсимлаб режалаштирган ишлар тақдирини ўтказди. — Тиббиёт хонасининг очилиши ўқувчиларимиз учун муносиб совға бўлди, — дейди 25-мактаб директори А.Хидирбоев. — Қишлоқ врачлик пункти мактабимиздан беш қақирим узоқда бўлгани боис баъзан муаммоларга дуч келардик. Эндиликда фарзандларимиз доимий тиббий назоратда бўлади. Бундан нафақат ўқитувчи му-

раббийлар, балки ота-оналар ҳам хурсанд. Мактабнинг замонавий спорт залида «Отам, онам ва мен — спортчи» оила мусобақаси бўлиб ўтди. Унда тўрт жамоа ўзаро беллашди. Қизгин ва муросасиз кечган баҳслар Қаюмовлар оиласининг галабаси билан якунланди. Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Янгийл тумани Данғир маҳалласида истиқомат қилувчи Фулом Бобоев оиласи ҳақида барча ҳурмат билан гапиради. Сабаби, ушбу оила аъзоларининг меҳнатсеварлиги, танглиги, богдорчилиги соҳасидаги ютуқлари эл назарига тушган.**

Улар етиштирган сархил мевалар маҳалла, туман, вилоят аҳлининг дастурхонига кўрк бағишлаётгани сир эмас. Бундан тўрт йил олдин «Неъматжон олмалари» фермер хўжалигига асос солиниб, хўжалик учун ажратилган 6,7 гектар майдоннинг 5,4 гектарида боғ барпо этиш режалаштирилди. Хўжаликда ўндан зиёд киши доимий иш билан банд. Ишчиларнинг меҳнат қилиши, дам олиши учун барча шаршароит яратилган. Айни пайтда боғда олма ва олхўрнинг харидорғир навлари ҳосилга кирган.

Хўжаликда ердан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилади. Боғ қатор ораларига ишлов берилиб, сабзавот экинлари етиштирилади. Айниқса, плёнка остида мавсумий гул ва райхон кўчатлари, картошка, сабзи, шолғом, қизил лавлаги, саримсоқниёз, бўлғор қаламшири, помидор, бодринг, ошқовоқ етиштиришда «Неъматжон олмалари» фермер хўжалиги нафақат туманда, балки вилоятдаги фермерлар орасида ҳам пешқадам. Маҳсулотлар шартнома асосида истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

— Асли оилавий тадбиркормиз, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Раънохон Бобоева. — Бундан ўн беш йил олдин «Раънохон ўқув маркази»ни очиб, оила қуриш остонасида турган йигит-қизларимизга турли хунарларни ўргатишни йўлга қўйдик. Дастлаб ўқув марказида чеварлик, сартарошлик, пазандалик, элита пардалари, бисер тикиш бўйича ўқув курслари ташкил қилинган бўлса, кейинчалик оилавий

## РАЪНОХОН ОПАНИНГ ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАРИ

Оилавий бизнес

ҳамширалик, инглиз тилини ўрганиш, компьютер саводхонлиги курслари ҳам очилди.

Опа бежиз оилавий тадбиркормиз, дея таъкидламади. Узоқ йиллар ўрта мактабда ўқитувчилик қилиб, маҳалласида маслаҳатчи бўлган бу шижоатли аёл болалигиданоқ меҳнат қилишни, одамларга яхшилик улаштириши отасидан ўрганди. Миришкор-

шу ҳислат фарзандларимга онасидан ўтганми, барчаси ер тилини яхши тушунади. Иши, ўқишдан ортиб меҳнат қилишади. Ҳар бирига боғ орасидан жой ажратиб берганмиз. Етиштирган маҳсулотни ҳам, даромади ҳам ўзиники. Айниқса, дам олиш кунлари боғнинг ичи фарзандларим ва набираларим билан тўлиб кетади. Меҳнатимиз самараси ўлароқ, ўтган



лик ва боғбонлик сирларини яхшигина ўзлаштиргани боис эзгу ниятда фермер хўжалигини отасининг исми билан атади.

— Раънохондаги ғайрат-шижоатни қадрлайман, — дейди турмуш ўртоғи Фулом ака Бобоев. — Ҳеч қачон тишим билмайди. Доим изланишда, янгилик яратишга ҳаракат қилади. Узоқ йиллар давлат идораларида ишладик. Шундай бўлса-да, ишдан кейин мўъжазгина томорқамизда меҳнат қилардик. Рўзғоримизга керакли маҳсулотларни ҳеч қачон бозордан сотиб олмаганмиз. Қайтага орттириб кўни-қўшниларга улашардик. Ана

уч йил ичида ҳосилдорлик 50 центнердан 60 центнергача кўпайди. Ҳар йили 60 тоннадан ҳосил йиғиштириб, шартнома мажбуриятни 110-120 фоизга бажаряпмиз. Тумандаги ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган ҳамда кам таъминланган оилаларга ёрдам бериб турамыз.

Раъно опа турмуш ўртоғи Фулом ака Бобоев билан бир ўғил, уч қизни эл қорига ярайдиган инсонлар қилиб вояга етказишди. Ҳозир тўнғичи Одилбек молия йўналиши бўйича олийгоҳни тамомлаб, туман солиқ инспекциясида фаолият кўрсатмоқда. Тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришда, қўшимча тармоқларини ишга туширишда унинг мазкур соҳада хизмат қилиши оилага янаям қўл келди. Чунки солиқ қонунчилигига оид ислохотлардан хабардор бўлиш, тадбиркорларга яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишда албатта, му-

тахассиснинг кўмаги керак. Гулназохон туман туғуруқхонасида акушер-гинеколог ёрдамчиси бўлиб ишлаш билан бирга, ўқув марказида қизларга ҳамширалик иши бўйича сабоқ беради. Гуласал Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети инглиз филологияси факультети талабаси. Инглиз тилидан ташқари, хитой тилини мукамал ўрганиб, Хитойдаги олий ўқув юртида таҳсил олиш имкониятини кўлга киритди. Оиланинг кенжаси Моҳишур Тошкент кимё технология институтига киришга қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Келини Шаҳнозохон моҳир чевар.

«Неъматжон олмалари» фермер хўжалиги кўп тармоқли. Негаки, хўжалик аъзолари сабзавот етиштиришдан ташқари, ўтган йили 30 сотих олхўрзорни иссиқхонага айлантиришди. Фулом аканинг айтишича, тажриба тариқасида тўрт томони плёнка билан ўралган олхўрлар ташқаридагиларига нисбатан анча яхши ривожланаётган экан. Сабаби бу усул айна гуллаган даракларни совуқ, дўл уришидан, шунингдек, турли ҳашаротлардан асрайди. Ҳосилдорлиги юқори бўлган бу дараклар остида кўкатлар ва помидор, бодринг етиштириш имконияти ҳам мавжуд.

Қўшимча тармоқ йўналишларидан яна бири қуёнчиликдир. Хўжалик аъзолари 2009 йилдан бери қуёнчиликни ривожлантириб, аҳолини парҳез гўшт билан таъминлаб келмоқда.

Хўжалик раҳбари яна бир лойиҳа устида изланиш олиб бормоқда. У дулланган қуён гўштини қадоқлаш ҳамда олхўри ва олмадан қуруқ чой ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи. Бу борадаги ишлар аллақачон бошлаб юборилган. 2016-2018 йилларга мўлжалланган ушбу лойиҳа ишга тушса, фермер ишлаб чиқарган маҳсулотлар хорижга экспорт қилинади ва хўжаликда яна 10 нафар йигит-қиз иш билан таъминланади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

“Соғлом авлодни тарбиялаш – буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир”. Давлатимиз раҳбари томонидан истиқлолнинг илк йилларида илгари сурилган буюғи мамлакатимизнинг бош мақсадини, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишини белгилаб берди. Ўтган 25 йил давомида буюғи мақсад йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, соғлом ва баркамол, юксак интеллектуал салоҳиятга эга авлодни камол топтириш учун барча зарур шароитлар яратилди.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, уч босқичли спорт тизими – “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада мусобақаларининг ташкил этилгани болалар ва ўсмирлар ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, профессионал спортчиларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт миллат генофондини яхшилаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишнинг асосий воситаси саналади. Хотин-қизларни спортга жалб этишга қаратилган барча саёй-ҳаракатлар замирида ана шу эзгу мақсад мужжасам.

Бугунги кунда бир миллиондан зиёд хотин-қиз спорт билан мунтазам шугулланаётгани, биргина 2015 йилнинг ўзидagina 1 минг 668 нафар спортчимиз, жумладан, 567 нафар қизимиз 165

ташкил этган бўлса, бугунги кунда қиз болаларнинг 47 фоизи, қишлоқ жойларда эса 44,7 фоизи спорт билан мунтазам шугулланиб келмоқда.

– “Қизларимиз тимсолида биз авваламбор буюғуси оналарни, халқимиз, миллатимизнинг умиди ва таянчи ҳисобланган келажак авлодни дунёга келтириб, вояга етказадиган наслимиз давомчиларини кўраемиз. Қиз бола соғлом ва бахтли бўлса, у қурайдиган оила ҳам, унинг меvasи бўлмиш бола ҳам соғлом ва бахтли бўлади. Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият бахтли ва фаровон бўлади. Бунинг ҳар қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур”. Президентимизнинг ушбу сўзлари биз учун дастуруламал вазифасини ўтайди, – дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Ш.Нурматова.

– Давлатимиз раҳбари белгилаб берганидек соғлом авлодни вояга етказишда жисмоний тарбия ва спортнинг ролини ошириш, бу борадаги мавжуд моддий-техник база ва кадрлар салоҳиятини жаҳон стандартлари асосида янада мустаҳкамлаш, спортга меҳр ҳар бир бола, ҳар қайси оила ҳаётига чуқур кириб боришига эришиш доимий вазифамиздир.

Ўтган йиллар давомида соҳада амалга оширилган ишлар, эришилган нати-

Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида эришилган натижалар, қўлга киритилган ютуқлар билан бир каторда олдимизда тур-

собик иттифокда энг олдинги ўринларда тургани ҳам кечаги тарихимиздан яхши маълум.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги



ган долзарб вазифалар хусусида ҳам сўз юритди, – дейди Ш.Нурматова. – Жумладан, қизларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенг жалб этиш, сузиш ҳавзаларида улар учун қулай шароит яратиш, бунинг учун хотин-қизлар қўмиталарининг фаолигини ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Президентимизнинг айнан сузиш спорт турига эътибор қаратгани, сузиш ҳавзаларида хотин-қизларимиз учун қулай шароит яратиш лозимлигини уқдиргани бежиз эмас. Чунки сузиш инсон соғлигини мустаҳкамлашда алоҳида ўрин тутайди. Хусусан, шифокор сифатида, сузиш билан шугулланган инсонлар орасида қон боғлиқ қизимиз теннис билан мунтазам шугулланмоқда. Ҳаётимиз, онгимиз, дунёқарашимиз ўзгармоқда. Хотин-қизларимиз ўз соғлиғига, келажакига ўзлари масъул эканини тушуниб

йиғилишида Хотин-қизлар қўмитаси олдида аёллар ва қизларни, айниқса қишлоқ жойларида яшайётган ёшларимизни сув спорти билан шугулланишга тарғиб этиш вазифаси қўйилди.

– Муайян спорт тури билан шугулланиш учун, аввало, ўша спорт турига ихтисослашган инфратузилмани яратиш лозим бўлади, – дейди Ш.Нурматова. – Бугун мамлакатимизнинг барча вилоятларида, хусусан қишлоқларда замонавий спорт мажмуалари бунёд этилмоқда. Маҳалларда, намунавий лойиҳа асосида барпо этилаётган қишлоқларимизда кичик футбол майдонлари қуриш анғана тусига кирайтир. Бугун олти миш минга яқин қиз бадиий гимнастика билан, ўн мингдан зиёди сузиш билан, беш минга яқин қизимиз теннис билан мунтазам шугулланмоқда. Ҳаётимиз, онгимиз, дунёқарашимиз ўзгармоқда. Хотин-қизларимиз ўз соғлиғига, келажакига ўзлари масъул эканини тушуниб

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси сузиш билан мунтазам шугулланиш болалар, биринчи навбатда қизлар саломатлигини мустаҳкамлашда, уларда соғлом турмуш тарзини кўникмаларини шакллантиришда катта аҳамиятга эга эканини маҳалларда, кенг жамоатчилик, ота-оналар орасида тарғиб қилиш, қишлоқларда болаларнинг, айниқса қизларнинг сув спорти билан олмавий равишда шугулланишини тизимли ташкиллаштириш чораларини кўрмоқда. Бир нарсани тўғри тушуниш лозим: биз аёллар ва қизлар учун алоҳида сузиш ҳавзалари талаб қилаётганимиз йўқ. Уларга қулай шароит яратишга ҳаракат қилаемиз, холос.

– Шу соҳада фаолият юритаётган мутахассис сифатида сузишнинг инсон саломатлиги учун нақадар фойдали эканини яхши биламан. Афсуски, бунинг ҳар доим ҳам атрофдагиларга тўғри тушунтира олмаيمиз, – дейди Самарқанд шаҳридаги

«Дельфин» спорт мактаби мураббийи Марина Мирзаёрова. – Мактабимизга келаятган болалар орасида нимжон, касалмандлари ҳам бўлади. Улар кўз олдимизда соғайиб, кучга тўлишади. Сувнинг мўъжиза эканлигига кўп бор гувоҳ бўлганман. Бир неча йил илгари юраги хаста қизалоқни келтиришди. У билан шугуллана бошладик. Ҳозирда бу қиз анча улғайиб қолган, қоматига барча ҳавас билан қарайди. Юрак хасталигини аллақачон нутиб юборган. У ҳатто мамлакат миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиб, юқори натижаларни қўлга киритмоқда.

– Сузиш билан неча ёшимдан бери шугулланишимни, очиги, эслолмайман ҳам, – дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, триатлон бўйича 9 карра Ўзбекистон чемпиони Комила Суярова. – Болалигим басеинда ўтган. Сузиш спортида эришган натижаларим туйғайли ўзбек қизларининг юксак мукофотига сазовор бўлдим. Спорт туйғайли элга танилдим. Синовларда тобланишни ўргандим.

– Онам беш ёшимда мени бассейнга олиб келган эди, – дейди сузиш бўйича Ўзбекистон чемпиони Гўзал Собирова. – Сувни кўрибқонунга шартта сакраганим эсимда. Мураббийлар ўшандаёқ яхши сузувчи бўласан, дейишганди. Ушбу спорт тури билан шугулланиб, ўзимга бўлган ишончим орди. Сузиш ота-онам истаганидай нафақат соғлиғимга, балки феъл-атворимга, руҳиятимга ҳам яхши таъсир ўтказди.

Яқинларим келажакда шифокор бўлишимни истайдилар. Лекин менинг мақсадим аниқ – сув спортини ҳеч қачон тарк этмайман, албатта мураббий бўламан.

– Шу кунларда оммавий ахборот воситалари тарқатган яна бир хушхабар барчамизни қувонтирмоқда. Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг етакчиларидан бири Светлана Радзивил Япониянинг Кавасаки шаҳрида ўтказилган Seiko Golden Grand Prix 2016 Kawasaki халқаро турнирида баландликка сакраш бўйича 1,90 метр натижани қайд этиб, кумуш медаль совриндори бўлди.

Ўзбекистон хотин-қизларининг халқаро миқёсда эришяётган бундай юксак натижалари барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди.

Вохид ЛУҚМОНОВ



халқаро мусобақада иштирок этиб, 983 медални қўлга киритгани, ўтган йиллар давомида 44 нафар қиз айнан спорт соҳасидаги ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлгани Президентимиз томонидан илгари сурилган гоёнинг нақадар тўғри ва ҳаётбахш эканидан далолатдир.

Бугун турли ташкилот ва идораларда, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизимида меҳнат қилаётган хотин-қизларимиз, минглаб уй бекаларимиз, маҳалла фаоллари “Гимнастика барча учун”, “Отам, онам ва мен спортчи оила” сингари спорт мусобақаларида иштирок этмоқда.

Оммавий спортга жалб этилган қизларимиз 2005 йилда 24 фоизни, жумладан, қишлоқ жойларда 22 фоизни

жалар шуни кўрсатадики, уч босқичли спорт тизими – “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада мусобақаларини ташкил этиш орқали мамлакатимизнинг барча вилоятларида, хусусан қишлоқларимизда босқичма-босқич замонавий спорт инфратузилмасини шакллантиришди. Бунинг натижасида фарзандларимиз олти мишга яқин спорт тури билан мунтазам шугулланиш имконига эга бўлди. Улар бугун биз учун мутлақо янги бўлган бадиий гимнастика, сузиш, синхрон сузиш, теннис, таэквондо, дзюдо, қаратэ, ватерпол, эшкак эшиш каби спорт турлари билан шугулланиб, халқаро мусобақаларда юқори нати-

жаларни қўлга киритмоқда. – Президентимиз шу йилнинг 11 февраль кун

еканини, иммун тизимини мустаҳкамлашини айтишим мумкин.

Бугун дунё миқёсида аёллар ўртасида асаб касалликлари, депрессия авж олган. Сузиш инсонни руҳан чиниктиради, уйқунни меъёрлаштиради, кайфиятини кўтарайди. Энг муҳими қўллаб хотин-қизларимизни йилантираётган ормиқча вази муаммосини бартараф этади.

Президентимиз таъкидлаганидек, сузиш деганда, ариқ ёки каналларда, оддий санитария талабларига ҳам жавоб бермайдиган лойқа сув ва ҳовузларда чўмилишни тасаввур қилар эдик. Бунинг оқибатида республикамиз аҳолиси, энг ёмони, болалар ўртасида оғир касалликлар ниҳоятда кўпайиб кетгани, оналар ва болалар ўлими бўйича Ўзбекистон

# ФАРЗАНД ТАРБИЯСИНИ ИМОРАТ ҚУРИШГА ЎХШАТАМАН

Оталар ва болалар

*Фарзанд тарбиясида оилавий муҳитнинг ўрни беқиёс. “Оталар ва болалар” саҳифасида айнан мана шу жиҳатни кенгроқ ёритиб беришга ҳаракат қилдик. “Odnoklassniki.ru”, “Ажал жодуси”, “Тубанлик” фильмлари режиссёри Ҳилол Насимов ва у кишининг ўғиллари Шохрух ҳамда Фотиҳ Насимовлар билан суҳбатимиз оиладаги муҳит, фарзанд тарбияси, ота ва ўғил муносабатлари атрофида кечди.*

— Халқимизда от изини той босар, деган нақл бор. Сиз суратга олган (Ажал жодуси) фильмида иштирок этган ўғилларингизнинг актёрлик маҳоратига баҳо берган мухлислар бу мақолини ёдга олган бўлсалар ажаб эмас.

— Шохрух Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг театр санъати факультетини битирган. Фотиҳ ҳозирда ушбу таълим даргоҳида режиссёрлик йўналишида таҳсил олмақда. Фарзанд ота касбини танлабдими, демак, оилада отанинг фарзандларига таъсири катта. Ўғилларим санъат муҳитида вояга етгани боис соҳамга қизиқиши юқори. Бу табиий. Отам мактабда она тили ва адабиёт фанидан дарс берган. Яхшигина расм чизар, ўқувчилар театрга бадий раҳбар эди. Отамдаги бу жиҳатлар санъат соҳасини танлашимга сабаб бўлгандир. Ўғлим Фотиҳ ҳам расм чизишга

Афсуски, ҳаётда тез-тез бу ҳолат аксини кузатадиган бўлиб қолдик. Бунинг сабаби нима?

— Лоқайдликда. Фарзанднинг ўй-фикрлари, орзу-умидлари, муаммолари билан қизиқмайдиган, унинг нима иш билан машғуллигини билмайдиган, дўстларини танимайдиган ота-оналарни тушунмайман. Бу лоқайдлик, фарзанди тақдирига бефарқликдан бошқа нарса эмас.

“Ажал жодуси”, “Odnoklassniki.ru” фильмлари реал воқеликка асосланиб суратга олинган. Фильм қаҳрамонларининг ҳаётдаги прототиплари билан бир неча марта суҳбатлашганман. Ота-она олий маълумотли. Ўғил — талаба.

Бола қандай қилиб нопок кимсаларга аралашиб қолди, деб сўрасангиз: “Билмасам, эрталаб ишга кетиб, кеч қайтамиз, унинг нима ишлар қилиб юрганини билмай қолибмиз”, дейди онаси кўз ёш-ни тиймай. Ёт гоьлар тузоғига тушиб қолган ўғил эса “Ота-онамдан меҳр кўрмадим. Улар ҳар доим банд эди. Мен катта-

лар-

нинг маслаҳатига, йўл-йўриғига, меҳрига муҳтож пайтимда “анами”ларнинг мулоим гапларига алдандим”, дейди. Инсон жиноятчи бўлиб туғилмайди. Аслида, фарзандларимизни шундай нопок йўллари танлашга биз — катталар мажбур қилиямиз.

Мақтаниш деманг-ку, мен кези келганда болаларимга дўстман, керагида қаттиққўллик қиламан. Фарзандини яхши тарбия қилган ота ўз тарбиясининг самарасига, яъни фарзандига ишонади. Болани тўхтовсиз тергаш, назорат қилиш эмас, унинг

шаҳсини ҳурмат қилиш лозим.

Суҳбатимизга Фотиҳ

Насимов қўшилади:

— Дадам кичиккина муваффақиятимиздан ҳам хурсанд бўлади. Хато қилсак, танбеҳ бериб, ишимизнинг яхши ва ёмон жиҳатини тушунтиради. Вақти келса, меҳрибон, баъзида ўта талабчан. “Ёдгор” фильмида роль ижро этганимда 7 ёш эдим. Тасвирга олиш жараёнида кино камерани синдириб қўйишимга бир баҳя қолган. “Ҳозир дадам ҳаммининг олдида мени уришади”, деб қўрқиб кетганман. Бироқ, бир оғиз гапирмаган. У кишининг индамагани мен учун қаттиқ жазо бўлганди, ўшанда. Баъзида оилавий балиқ овиға борамиз, дадам билан мириқиб суҳбатлашамиз.

жаҳон киноси дурдоналари ёки китоб ҳақида гаплашамиз. Дадам: “Эр йигит билимли, ўз мустақил фикрига эга бўлиши керак”, дейди. Қайси ишга қўл урмай ҳар доим дадамнинг қўллаб-қувватлаб турганини ҳис қиламан.

— Шохрух “Эйтироф — 2015” танловида “Йилнинг энг яхши кино актёри” номинацияси голиби бўлдингиз. Бу ютуққа эришиниғизда отангизнинг қанчалик ўрни бор, деб ўйлайсиз?

— Оиламинг менга ишончи, дадамнинг талабчанлиги ва устозларим берган билим туфайли шундай муваффақиятга эришдим. Укам ва менинг ютуғимиз — бизга йўл-йўриқ кўрсатадиган, соҳамизнинг баланд-пастини ўргатадиган инсон — отамиз. Бироқ режиссёрнинг ўғли бўлишнинг ўзига яраша масъулияти ҳам бор. Тошйрилган вазифани аъло даражада бажара олмасак, дадам бошқалардан қандай талаб қилади. “Ана, фарзандларингиз ҳам эплай олишмаяпти-ку, бизга нима дейсиз”,

дейишмайди? Шу сабаб ўз устимизда тинимсиз ишлашга, ҳаётда ҳам, кинода ҳам режиссёрнинг талабларини аъло даражада бажаришга ҳаракат қиламиз.

— Ҳар бир оиланинг ўзига хос анъаналари бўлади, шундай эмасми?

— Тўғри. Байрам ва тантаналарда, дам олиш кунларида тайёрланадиган тансиқ таомларни биз — эркаклар ўз зиммамизга оламиз. Богдаги ишларни ҳам биргалашиб бажарамиз. Ҳар тонг жисмоний тарбия билан шуғулланамиз. Ҳар бир ишда дадамга қараб андоза оламиз.

— Ҳилол ака, фарзанд тарбиясида сиз қатъий амал қиладиган қондалар нималардан иборат?

— “Болани тарбиялашдан аввал, ота-онанинг ўзи тарбияланган бўлиши керак”, деган эди донолар. Оилада ўғил отага, қиз онага қараб улғаяди. Фарзандингизнинг сиз оруз қилган инсон бўлиб камол топиши берган таълим-тарбия-ғизга боғлиқ. Фарзанд тарбиясини иморат қуришга ўхшатаман.



Ушбу иморатнинг пойдеворини меҳр билан мустаҳкамлаб, тарбия билан тикка қилиб, таълим билан устини ёпиб, одоб-ахлоқ билан зеб

«Болани тарбиялашдан аввал, ота-онанинг ўзи тарбияланган бўлиши керак»

иштиёқманд, бобосидан кўп нарсани ўрганган. Доимо ўғилларимнинг қизиқшларини қўллаб келганман. Инсон ўзи севган касби билан шуғулланиши керак. Шу боис улар санъатни танлашганида қаршилик қилмаганман.

— Ўзбек оилаларида ота ва ўғил муносабатлари ўзаро ҳурмат, оқибат, андиша асосига қурилган.

берилса, атрофи имон-эътиқод билан ихоталанса, битганида ўзингиз қурган бинонинг маҳобатидан қалбингиз гурур-ифтихорга тўлади. Бу иморат бошқаларнинг ҳам кўзини қувонтиради. Фарзандларимизнинг Ватанига, эл-юртига содиқлиги, ота-онасига, яқинларига меҳр-оқибати, билим ва тафаккурини ана шу маҳобат деб биламан.

Камола АДАШБоеВА  
суҳбатлашди.

Азим Суянов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

— Матн сўз дегани. Сўзнинг эса ўз ижодкори бор. Қўшиқ қилиб айтиладиган сўзнинг масъулияти бўлиши керак. Матн устидаги тортишувлар Ҳазрати Навоий даврларида ҳам бўлган ва бундан кейин ҳам давом этади. Тўй-базмларда, ҳатто катта экранларда мазмунан саёз матндан жумла тузиб, қўшиқ қилиб куйлаётган айрим хонандаларни адабиётдан беҳабар, саводсиз, китоб ўқимайдиган, сўзнинг қудратини тушунмайдиган ва ҳис қилмайдиган кимсалар деб биламан.

Темир Маҳмудов, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор:

Халқимизда “Ураверсанг эти қотар, сўкаверсанг бети қотар”, деган гап бор. Аслида, биз муҳокамага ташлаётган мавзу атрофида оммавий ахборот воситаларида керагидан кўпроқ сўз юритилган. Очиги, айтилмаган гап, билдирилмаган фикр қолмаган ҳисоб. Бироқ “хасталик” илдиз отса отяптики, тузалай демайди. Гап ўзларининг маза-матрасиз мазмуни билан миллий санъатимизга соя солаётган айрим “замонавий қўшиқлар” ҳақида. Тўғри, “Ит ҳурар, карвон ўтар”, бўлди-да, ҳадеб бир мавзунини чайнай-верасизларми, шундан бошқа гап йўқми журналистларга”, дейишнинг мумкин. Бироқ бундай қўшиқлар нафақат ёшларимиз, балки жажжи болаларимизнинг ҳам тилидан дилига кўчаётгани, муҳрланаётгани миллат маънавияти ҳақида қайғурадиган ҳар бир кишини хавотирга солмасдан қўймайди. Биз бу гап бошқачароқ йўл тутдик. Холислик мақомида туриб, юртдошларимизнинг муаммо атрофидаги фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз. Баҳза қўшилишни итасангиз, марҳамат. Бу мавзу доимий эътиборимизда бўлади.

## Ойна

турибмиз? Матн пишк, куйда миллий асос бўлиши керак. Ҳеч ким қўшиқчиларни ёмон дегани йўқ. Қўшиқ айтмасин ҳам демоқчи эмасмиз. Фақат миллийлигимизни йўқотмасин. Миллий санъатимизга пугур етказмасин. Она тилимизни оёқ ости қилмасин. Бунга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Озода Ҳалимова, журналист:  
— Хонанда Жасур Умировнинг мана бу қўшиғи матнига эътибор беринг:

Қалайсил, қизла,  
тинчлик йўғ экан-да,

# САНЪАТДАГИ СОЯЛАР

## ёхуд китоб ўқимаган қўшиқчи

— Ҳозирги ёшларнинг кўпчилиги китоб ўқимайди. Баъзи хонандаларимизда бадий диднинг ўзи йўқ. Албатта, ўзи шеър ёзиб, куйини басталаб, ижро этган хонандани мукамал ижодкор, дея олмаймиз. Бадий саёз, ҳеч қандай маънавий тарбия бермайдиган матни бўш қўшиқлар мана шундай ижодкорлар “шарофати” билан пайдо бўлаётти...  
Зулайхо Бойхонова, Ўзбекистон халқ артисти:

— Мухлислар ҳалигача Маъмуржон Узоқовнинг “Мустаҳзол” қўшиғини хиргойи қилишади. Бундан келиб чиқадикки, мукамал шеър, мукамал мусиқа ва қойилмақом ижро ҳар қандай тингловчининг эътиборини қозонади. Минг афуски, санъаткорлар орасида ойда, йилда бир китоб varaқламайдиганлари бор... Сўзнинг қудратини тушунмаган, ҳурмат қилмаган одам қандай қилиб халқини, унинг неча минг йиллардан бери асраб келаётган тилини ҳурмат қилсин?!

Исроил Саидумаров, “Нихол” мукофоти совриндори:

— Аёл хонанданинг эркак хонандага мўлжаллаб ёзилган қўшиқни ижро этаётгани ҳафсалани пир қилади. Масалан “Бир пайтлар эдинг юлдузим, энди кимга юлдузсан жоним” сўзлари ошиқ тилидан маъшуқага қарата айтилган. Ҳеч қачон ўзбек аёли эркак кишига тўғридан тўғри севги изҳор қилмаган. Аёл хонандаларнинг “севаман”, деб қўшиқ айтишини ҳазм қилиш қийин. Биз қизларимизга севгини шу тарзда тушунтиряпмизми? Бу ўзбекона қадриятларимизга тўғри келмайдик. Ҳозир қайси аёл хонанданинг репертуарини кўрманг, ҳаммасида очикдан-очик севги изҳорлари мавжуд. Боланинг онги худди видеокамерага ўхшаб, ҳамма нарсани миясига муҳрайверади. Агар болаимиз “оммавий маданият”нинг унсурларини ўзлаштириб олаётган бўлса, демак бунга биз айбдоримиз. Чунки уларга бу маданиятни биз ўрнатяпмиз.

Гулчехра Умарова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, журналист:

— Ижро ва қўшиқ матнининг қашшоқлигини била туриб, нега уларни телевидениеда намойиш этаёпмиз? Айниқса, бу борада хусусий телеканаллар етакчилик қилоқда... Айрим қўшиқлардаги матннинг тўмтоқлиги, айтадиган фикрнинг йўқлиги кишини ўйга толдиради. Аёл хонанданинг уялмай-нетмай “Қани мани асалим, қани мани шакарим...Қани мани дийдорингга тўйдир” ёхуд “Мани

ёрим манбоп, юришлари, туришлари манбоп” дея хониқ қилаётгани қайси ҳаёли ўзбек аёлининг тилидан айтилайпти? Ёки глобаллашув бугун хотин-қизларимиз маънавий қиёфасини шунчалик очикдан-очик ўзгартириб юборди-ми? Бу қўшиқлар энди шаклланиб келаётган ўсмир қизларимизнинг тарбиясига таъсирини ўйлаб ҳам кўрмайпмиз? Айнан аёл хонанда қўшиғи ва клипада эркакка ялиқиб, беҳаётларча суйқалиши ёки севги изҳор қилиб туриши менталитетимизга ҳос бўлган анъаналарни оёқости қилишдан бошқа нарсасиз эмас. Қизларни момо-бувиларимиз хаё-ибога чирмаб тарбиялаган. Санъаткорнинг одоби, ибоси қани? “Маҳалланга бораман, тўйингни ҳам бузаман” ёки “Дугоналаринг

жим ўтирсин, ундан кўра эрга тегсин”, деган мазмундаги шу каби маънавий-бадий даражаси паст, маънавий тарбия бермайдиган хиргойиларни эфир орқали намойиш этилишини тўхтатиш керак. Бир нарсани унутмайлик, қўшиқни миллионлаб инсонлар тинглайди. Шундай бўлгач, унинг тарбия воситаси эканини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Кимлардир шахсий манфаат, обрў, шон-шухрат, пул деб она тилимизни ўйин қилишига қараб турмаслик, бунақанги бачканабозликнинг урчишига йўл қўймаслик лозим.

Ўзбекистон халқ ҳофизы Маҳмуджон Тожибоев:

— Қўшиқ фақат бугун учун яратилмайди, унинг эртаси, келажуки бўлиши керак. Ўта бачкана, тушунарсиз қўшиқларнинг намойиш этилишига нега жим қараб

Унутиб бўлганман,  
асал эслатманглар  
Жаббордан ҳам қизганардим  
сани сани,  
Саттордан ҳам қизганардим,  
сани сани  
Ўша севган бевафойинг  
қани, қани  
Алдаб кетган Отабегинг  
қани, қани

Ёки Будур тахаллуси билан ижод қилаётган хонанда қизимиз айтаётган матни олайлик:

Қимирла, бер баданга  
ритм жага, жага,  
Хатти-ҳаракатингга  
битим (?) жага, жага  
Қимирла, бер баданга  
ритм жага, жага...

Бу нима дегани? Қўшиқда на маъно бор ва уни айтишдан мақсад. Сўзлар мусиқага тушса бўлди.

Азизбек Турдиев, “Театр” журнали бош муҳаррири:

— Айрим хонандалар мураккаб услубдаги газалларни оддий одам тушунмайди, дея эътироз билдиради. Мисол учун, Лутфийнинг “Сенсан севадим хоҳ инон, хоҳ инонма” газалини ким тушунмайди? Гадий, Атоий, Саккокий каби улуг шоирларимизнинг шеъри куйлашга арзийдиган, омма тушунадиган, равон ёзилган-ку? Бош мақсад, талаб ҳақиқий санъатни ривожлантиришдан иборат! Бу ҳақда қанчалик бонг урмайлик, барибир натижа кам. Бу муаммонинг олдини олиш, унга қарши курашиш ҳаммамизнинг ишимиз. Биз истеъмолчи сифатида санъаткорлар олдида талабларимизни қўйишга ҳақлимиз. Агар бемаъни қўшиқларни тинглаш билан дидимизни ўтмаслаштириб қўйсақ, эртага на жаҳон классикасини, на ўзбек мумтоз қўшиқларини тушунмайдиган авлод пайдо бўлади. Улар нима ҳақда куйлашини тасаввур қилаверинг. Бу ниҳоятда катта хавф...

## ХУЛОСА ЎРИНДА

Қўшиқ матни хонанданинг маънавий, маданияти, энг аввало саводини кўрсатадиган ойна. Ана шу ойнанинг нафис ва шаффоф бўлишини истаган қўшиқчи ҳеч қачон кўнгилга нотабийлик, сунъийлик бағишлайдиган бачкана хониллар ижро этмайди. То-мошабинга эса ҳозир эшитилиб унутилмаган эмас, юракка етиб борадиган, эзуликин тартиб қиладиган ва юракка эзгу фикрлар соладиган қўшиқлар керак. Мақсадимиз ёшларимиз мукамал санъат асарлари таъсирида юксак бадий дидга эга инсонлар бўлиб камол топсин.

Нилуфар НУРИДДИНООВА,  
“Оила ва жамият” мухбири



Фарзандлар — келажакимиз деймиз, болаликни меҳнаткаш, оқибатли, билимли бўлишни хоҳлаймиз. Аммо орзуларимизга ҳар доим ҳам эриша олмаймиз. Аслида, ўша келажакни ўзимиз яратишимизни англамаймиз ҳам. Сабаби — фарзандларимиз бизларнинг тақдирчиларимиз, келажак ойнасида бизларни акс эттирувчилар эканини тан олмасдан иложимиз йўқ.

Ҳали-ҳануз эсимда. Отам раҳматли уйда бир қанча газета журналларни мутолаа қилиб, ундаги “Бир ҳовуч олтин”, “Қиссадан-ҳисса”, “Ҳикматлар хазинаси” рукналарида чоп этилган мақола, ривоятларни алоҳида ажратиб менга ўқитар, сўнггида фиримни билишга қизиқарди. Ана ўшандан бошлаб, менда газета ва журналларга, китобларга қизиқиш уйғонган.

Онажоним тонгда эрта турар, самоварга ўт қалаб, ховлини супуриб, ариқ четдаги гулу райҳонларни парваришлар эди. Гоҳида менга онам ўзи билан ўзи гаплашаётгандек туюлар эди. Шунда “Ким билан сўхбатлашасиз?” — деб сўрасам, “Гуллар билан”, дея жавоб берарди. Мен онамнинг сўзларига ажабланидим. Бугун эса ўзим ҳам гуллар билан гаплашаман. Ховлим — чамазор.

Мен ўзимни чин маънода ота-онамнинг тақлидчиси деб билман.

Баъзида болакайнинг оғзидан хунук, ножўя

# ИБРАТ БУЛОҒИДАН СУВ ИЧГАН БОЛА

сўзлар чиқаётганига гувоҳ бўламиз. Дарров “Ўқитувчинг сенга нима ўргатапти?” ёки “Қайси мактабга бораёсан?”, дея қойиймиз. Бунинг ўрнига шу боланинг уйига меҳмонга бораёсан. Ота-онасини кузатайлик. Аслида, боладаги хатти-ҳаракат ва гап-сўз оиладан бошланганига, бола бор-йўғи отаси ё онасини акс эттираётганига гувоҳ бўламиз.

Ривоят қилишларича, қадимда бир аёл уйнинг ўртасида олов ёқиб, овқат пиширар, уйнинг ҳаммагини қора тутун, ис босиб кетган экан. Шу аёлнинг гўзал қизига бир йигит опик бўлиб қолибди.

Йигитнинг онаси бу хонадондан қиз олишни хоҳламабди. Йигит ўз сўзида туриб, уйнинг ўртасида олов ёқиш онасининг феъли, мен қизига уйланмоқчиман, деб қатъий аҳд қилибди. Йигитнинг онаси кўнибди. Тўй бўлибди. Йиллар ўтгач, қизнинг онаси оламдан ўтибди. Йигит узоқ сафардан қайтаёса, ўз уйдан қора тутун чиқаётган экан. Ваҳимам



тушиб, уйига етиб келса, хотини уйнинг ўртасида олов ёқиб, овқат пишираётганмиш. Йигит аёли ўз онасининг иш-ни такрорлаётганига гувоҳ бўлибди. Мана шундан кейин “Онасини кўриб, қизини ол”, деган ҳикмат пайдо бўлган экан.

...Фарзандимиз ёлғончи бўлишни истамасак, ўзимиз ёлғон сўзлашни тўхтатайлик,

боламиз бизга, атрофдагиларга меҳрибон бўлишни истамасак, унга бақирмайлик, уни хунук сўзлар билан қойимайлик. Ноахил оилаларда вояга етаётган болалар тарбиясининг қандай бўлишини кўз олдимишга келтириб кўрайлик... Айтмоқчиманки, бола ўз атрофдаги воқеаларга тақдирдан қатнашади ва шаклланади.

Ўзимиз чекиб, унинг зарари ҳақида гапирсак, ичкилик олиб келиш учун боламизни дўконга юбурсак, талабларимизни таҳлил қилишдан ожиз бўлсак, болада бизга нисбатан ишонч ўлади. Қадримиз кундан-кун тушиб бораётганини сезмай қоламиз. Алалоқибат ўз фарзандимиз беғоналашади.

Бир ўқувчи “Етимхоналарда тарбияланаётган болаларнинг ҳақири қаттиқ бўладими?”, “Етим болалар жиноятга қадам қўядиларми?” дея сўради. Ўйланиб қолдим. Тўғри, ҳеч ким ота-она ўрнини боса олмайдди. Бироқ ноахил оилада вояга етаётган болага бундан

## Тарбия

оғирроқ. Чунки, у ҳеч қачон ширин сўз эшитмайди. Эшитгани фақат сўкиш ва қарғиш. Бу бола энди ҳаммани ёмон кўрайдиган, кўрс ва худбин бўлиб вояга етиши аниқ. Ўқувчимга меҳрибонлик уйда вояга етган, тарбиячисининг меҳридан сув ичиб катта бўлган, келажакда халқ, Ватани учун фидойи бўлган инсонлардан бир нечаларини мисол келтирдим.

...Ўқитувчи ўқувчи учун маънавий ота, маънавий она. Унинг билими, ҳозиржавоблиги ва очиқ кўнгиллиги ўқувчи, талабаларда акс этмай иложи йўқ. Бир хонада ўттиздан зиёд талаба сабоқ олади. Бир-бирига ўхшамайди. Аммо саксон дақиқа олтишдан зиёд қора кўз ўқитувчини кузатиб, тинглаб ўтиради.

Ҳар қандай сабоқнинг боши — меҳр, самимийлик бўлса, ўша сабоқнинг натижаси самарали чиқади. Ўзингиз телефондан бўшамангиз-да, телефон ўйнаётган болага бақирсангиз, мақсадингизни бола тушунмайди. Бу ҳаракат унга бераётган сабоқингиздир.

Демак, болалар тақлидчи. Биз хоҳ уйда, хоҳ ўқув муассасида буни эътибордан четда қолдирмайлик. Уларни кузатишдан олдин улар бизни кузатишга тингилганини асло унутмайлик.

Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ,  
Шайхонтохур тиббиёт  
коллежи ўқитувчиси

## ШУКРКИ, АЁЛИ ҚАДРПАНГАН ЮРТДА ЯШАЙМАН

Тани ва руҳи соғлом одам жамият бойлигидир. Соғлом инсонлардан соғлом фарзандлар дунёга келади. Соғлом авлод мамлакатнинг қудрати ва ёрқин келажакини таъминлайди. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларни

наф келтиргиси келаверади. Бугун ёш оналарга кўрсатилаётган ғамхўрлик, турли имтиёз ва қулайликлар, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашга мўлжалланган замонавий тиббий муассасалар фаолияти дунё миқёсида эътироф этилмоқда. Аёллар бола тарбияси билан бира, давлат ва жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этаётир.



жисмонан соғлом ва маънан етуқ инсонлар этиб вояга етказишга қаратилаётган эътибор юксак самара бермоқда. Аёлларини қадрлайдиган, ҳурмат-эҳтиром кўрсатадиган юртда яшанингни ўзи улкан бахт. Чиндан-да, агар аёлнинг фарзандлари, оила аъзолари, турмуш ўртоғи соғ-омон, хонадони тинч, рўзғори фаровон, эртанги кундан кўнгли тўқ бўлса, ҳаётдан рози бўлиб яшайди, инсонда янги куч-шижоат пайдо бўлиб, эл-юртта, жамиятта янада кўпроқ

Бу дунёда фарзанди соғлом, руҳан тетик улғаяётган онанинг кўзларида порлаб турган қувончдан кўра улуг нарса бўлмас керак.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Ҳар қайси онгли инсон жондан азиз фарзандининг бахтини, камолини ўйлаб, ҳаммаша эзгу орзу-интилиш билан яшайди. Ўз зурриёдининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлишини

истайди”.

1999 йилда ташкил этилган жамоамизнинг тикувчилик, радио-телевизор, мобил телефон таъмирлаш, эраклар сартарошхонаси, тўй-маросимларни тасвирга олиш каби бўлимларида 30 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Барчасининг рўзғори бут, турмуши фаровон, оиласи тинч. Яқинда 5 нафар коллеж битирувчисини ишга олдик. Қўлимиздан келганча, шаҳар кўзи ожизлар жамияти, нуруний жамғармасига, ўзим истиқомат қилаётган Навбахор маҳалласидати кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатаёلمиз.

Истиклол ўзбек аёлининг оналигини қадрлади, унга чексиз рабат, катта ишонч, улкан умидлар берди. Бугуннинг аёли илми, иқтидори, истеъдоди билан дунёни яна бир қарра қойил қолдирмоқда. Индиликда аёлнинг шижоати янада баландлаган, куч-ғайрати янада жўш ураётган.

Файзнисо ШУКУРОВА,  
Каттақўрғон шаҳридаги  
“Зебо” хусусий корхонаси  
раҳбари

## БОБОЛАР ДЭМЧИКА...

### АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ БАЁНИДА

Ўзингиз хоҳлаганча болангизнинг ақлий ва бадан тарбияси билан машғул бўлишингиз мумкин ва қўлингиздан келгунча уни дово ва бақувват қилинг. Лекин ахлоқий тарбия талаб даражасида бўлмаса, ақли ҳамда жисмоний кучини ўзи ёки атрофдагилар зарарига ишлатади. Бинобарин, боланинг ақлий ва жисмоний тарбияси самарасиз қолмаслиги учун фарзанднинг ахлоқий тарбияси билан жиддий шуғулланиб кўп ҳаракат қилиш лозим.

Ахлоқий тарбия — одам ахлоқини камолга етказиш демакдир, яъни одамни шундай тарбия қилиш керакки, феъли ва амали ўзига ҳам, бошқаларга ҳам фойдали ва манфаат келтирадиган бўлсин.

Бошқача айтганда, одамнинг феълу хўйи ва ҳаракатида яхши фазилатларни тарбиялаш демакдир.

Абдурауф Фитрат

### ЯХШИ ХУЛҚ ВА ЁМОН ХУЛҚ БАЁНИДА

Ахлоқ уламиси инсонларнинг хулқларини иккига бўлишлар: агар нафс тарбият топиб, яхши ишларни қилурга одат қилса, яхшиликка тасвиф бўлиб “яхши хулқ”, агар тарбиятсиз ўсуб, ёмон ишлайдурғон бўлуб кетса, ёмонликка тасвиф бўлуб “ёмон хулқ” деб аталур... Инсон яхшари қобилдур. Агар яхши тарбия топиб, бузук хулқлардан сақланиб, гўзал хулқларга одатлануб, катта бўлса, ҳар ким қолида макбул, бахтиёр бир инсон бўлуб чиқар.

Абдулла Авлоний



# «УЗОҚЛАШАЁТГА ЯҚИНЛИК»

Бугуннинг гапи

Сарлавҳани қўштироқ чичга олишимга сабаб бор. Бойси, бундан уч-тўрт йил муқаддам тенгқур ижодкор оғайниларимдан бирининг ёган ҳикояси шу ном билан матбуотда чоп этилган эди. Ўша ҳикояда у ўқиш, иш деб киндик қони томган отамакони, яъни қишлоғига бир йилда бир марта борганидан бир пайтлар ўзига жуда-жуда кадрдон бўлган қишлоқдошларидан, айти пайтда ҳис-туйғулардан узоқлашиб кетганини бадиий воқелик асосида тасвирлаган эди. Куни кеча сақлаб қўйган газеталар тахламини varaқлаётиб, шу ҳикоя сарлавҳасига кўзим тушди ва беихтиёр ўзимни қийнаб юрган баъзи саволларга биратўла жавоб топгандай бўлдим.

Гап шундаки, таваллуд кун баҳона уч-тўрт ҳамсабоқ тенгдош бир дастурхон атрофида жам бўлиб қолдик. Ўзаро ҳолаҳвол сўрашишдан бошланган гурунгимиз университетда бира тахсил олган сабоқдошларимизнинг ҳаёти ва фаолияти билан улаиб кетди. Ким қаерда ишляпти, яшляпти, ким кимга уйланган ёки турмушга чиққан ва шунга ўхшаш гаплар... Гап айланб тақдир тақозоси билан чет давлатларнинг бирида ишлаб юрган оғайнимиз ҳақида кетди. Бир ошнамизнинг айтишича, у билан интернетда анча муддат гаплашибди. Сўхбат асосида ундан «кетганингга ҳам икки-уч йил бўлди, қайтмайсанми? Уйингни, ота-онангни, болаларингни соғинмадингми?», деб сўрабди. Нариги сабоқдошимиз «ҳар куни телефонда уйдагилар билан гаплашсам, интернетда юз-кўзини кўриб турсам, соғинч қаердан бўлсин?» деб жавоб берибди. Бун эшитиб ҳар биримиз ўз муносабатимизни билдиришга киришдик. Биров уни оқлади, биров меҳрсизликда айблади...

«Оқловчилар» қўлида виртуал оламга уланган телефон ёки ноутбук бор одам ер шарининг қаерида бўлишдан қатъий назар (агар алоқа бўлса, албатта) ўзи ҳақида маълумот юбориши ёхуд маълумот олиши мумкинлигини, кунда, кунора гаплашиб, бунинг устига расму видеоларни юбориб, олиб турган одам чиндан ҳам соғинч азобида қолмаслигини уқдирмоқчи бўлишди.

Биз «қораловчи»лар уларга мантқиқли бир саволни қўйдик: МЕХР-чи? Ва ўзимизнинг қарашларимизни бундай асосладик: ҳўп, одам яқин кишиси, дейлик, ота-онаси билан телефонда бир кунда юз марта гаплашар, оиласига ёки дўстига юзталаб расмини юборар, бироқ муштлар онанинг ёки отанинг ўғлини, ўз навбатида, у фарзадини бир марта меҳр билан бағрига босишининг олдидан буларнинг барчаси ҳеч нарсага арзимайди-ку?

Хуллас, ўша мунозарали сўхбатимиз ечимсиз яқунланди. Вошқаларни

билмадим, аммо менда шундан кейин «наҳотки, техника асида одам ҳам роботлашиб бормоқда?» деган хавотир пайдо бўлди.

## «ҚАТТИҚ ТАЛПИНАРДИК БИР-БИРИМИЗГА»

Газетадаги ҳикоянинг сарлавҳасига қараб турар эканман, яна бир воқеа ёдимга тушди. Кўнгил яқин устозларимиздан бири талабалик йилларида уйига, ота-онасига телефон қилишлари билан боғлиқ хотираларини гапирганда бир марта гаплашиш учун қанча вақт навбатда туришларини, боғланишдаги қийинчиликлар ва алоқанинг сифат-сизлигини эслаб,



бугунги имкониятлар билан солиштирдим. Кейин эса билиб-билмай эсда қоладиган бир ажойиб гапни айтди:

— У тарафдан онамми ёки отам, укамдир, хуллас, кимдир гўшакни кўтариб «алло» дейиши билан шунча оворатарчиликлар эсдан чиқиб, қалбимни чексиз бир қувонч қопларди. Айти пайтда қаттиқ соғинч ва улкан меҳр билан уларга талпинардим. Сезардимки, у ёқда ҳам худди шундай ҳолат юз берарди. Аммо бугун... Ҳаммамизда телефон, хоҳлаган пайтда гаплашамиз. Лекин менда ўша пайтдагидек ҳис-туйғу, талпиниш йўқ. «Яхши ўтирибсизларми? Ҳа-ҳа... Биз яхши. Бўпти, гаплашамиз». Шу одатий гаплар билан телефондаги мулоқотни яқунлаймиз. Буларни ўйлайману, технологиялар иратётган имкониятлар одамлар қалбидан ҳис-туйғуларни, завқ-шавқни ҳам йўқотиб юбораяптими, деб ўйлаб қолам.

Чиндан ҳам устозининг қўркувида жон бор. Бугун оммавий ахборот во-

ситаларида деярли ҳар куни замонавий ахборот технологияларнинг янги бир авлоди яратилгани ҳақида бир янгликни ва шунинг баробарида булар келтириб чиқараётган муаммолар бўйича ташвишли фикр-мулоҳазаларни ёхуд тадқиқотларни ўқиймиз, кўрамиз, эшитамиз. Эътибор берсангиз, бу ташвишларнинг аксарияти бевосита инсон қалби, онгу шуури билан боғлиқ бўлиб, уларда моҳиятан инсоннинг тобора табиийликдан, ҳис-

ҳаво очилиб, ҳаммаёқ янлаб кетибди», дейди унинг ёнида турган хўшрўйгина қиз автобус ойнасидан ташқарига қараганча дугонасига қўзалари чақнаб. «Ҳаёт қизик, дейман уларнинг гапни эшитиб. Бировнинг қарашини бировага тўғри келмас, дегани рост экан». Шуларни ўйлайману, рўйварамла турган йигитчага қараб-қараб қўяман. Унинг учун эса ҳеч нарсанинг аҳамияти йўқдек. Ўша ҳолат, ўша лоқайдлик. На жингибйрон бўлади, на эрталабки манзарадан завқланади, на ёгинасида турган онахонга жўй беради. «Ҳеч бўлмаганда, шу онахонни кўраётган бўлса керак?» деб синчқолик билан унинг юз-кўзига қарайман. Аммо унда ҳеч нарса сезилмайди. Қоттан бир ифода ва аҳён-аҳёнда бошни чайқаб қўйиш... Унинг учун, гўёки, сезимли шoirларимиздан таниш мисраларини озроқ ўзгартиб айтадиган бўлсак, одам бир ён, олам бир ён...

Замондош шoirнинг шундай мисралари бор: «Тараққиёт сени севаман, тараққиёт сендан қўрқаман». Бугун «салмоғи Қуванинг аворича бор» Ер юзида бўлаётган ўзгартишларни янглишилларни кузата туриб, бирда хурсанд бўлсангиз, бирда нохуш ҳолатлардан даҳшатга тушасиз. Бир соат аввал неча минг чақирим масофадаги ишни бир муддатда ҳал қилиб берган телефонингизда бир соатдан кейин дилбандингиз қўзаларини ишқалаганча ўйин ўйнаб ўтирганини кўриб хавотирингиз ошади. Шунда яна шoirнинг ушбу сатрлари ёдингизга тушиб, беихтиёр дилдан ўтказасиз: «Тараққиёт сени севаман, тараққиёт сендан қўрқаман».

## ҲАЁТ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шoir ёзади: «Туйғулар эскирди, сезимиз ўлди». У ҳақ, гапиди жон бор. Одамда софликка, инсонийликка йўғрилган туйғулар ҳаётдаги турфа ҳолатлару қалбдаги турли иллатлар туфайли хира тортса, нафақат сезғи, балки инсоннинг ўзи ҳам руҳан ўлиши мумкин.

Газетани стол устига ташлаб, тараққиёт маҳсули бўлган компьютер ва интернетга бирров қўз ташлаб, тоза ҳаводан баҳра олиш учун дераза ёнига бораман. Ташқарида қуёш чарақлайди: солланган, мункайган дарахтлар ёнидаги йўлақдан одамлар, қатта йўлдан эса машиналар ўтиб турибди. Деразадан кирган ҳаводан кўксимни тўлдириб нафас олар эканман, ўзимча файласуфона фикр юритаман: «Ҳаёт давом этмоқда».

Манзарани томоша қила туриб, маза-си бўлмаётган оғайнимнинг олдига ўтиб, ҳол-аҳвол сўраб келишни кўнглимга тугдим. Бироқ дарров бу фикримдан қайтдим. «Юрасанми, ишдан қарчаб чиқиб шаҳарнинг у чеккасига, — деди ичимдан бир овоз. — SMS ёзиб қўя қол. Бўлмаса, арзи ҳолингни баён қилиб сим қоқ. Ҳаммаси жойида бўлади». Бу ички овоз амрига бўйсунгандай бўлдим ва чўнтагимга қўл солиб телефонимни кидира бошладим. Телевизорда хонанда қуйларди: «Меҳр қолур, муҳаббат қолур».

Содик НОРБОЕВ,  
журналист

ЭЪЛОН

ЭЪЛОН

ЭЪЛОН

ЭЪЛОН

Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти томонидан Ибн Сино-1 12-уй 114-хонадонга тегишли 1993 йил 22.04да Хасанова Мамлакат номига берилган 09-01/5950 рақамли давлат ордери йўқолгани сабабли БЕКОР қилинади.

Афғон уруши қатнашчиси Каримов Қаҳрамон Мирсобирович номига 15.05.2015 йилда берилган шаҳар йўловчи ташиш транспортида бепул юриш ҳуқуқини берувчи № 006196 рақамли гувоҳнома йўқолгани сабабли БЕКОР қилинади.

**Oilav Jamiyat**

Ижтимоий-сиёсий,  
маънавий-маърифий газета

### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар  
қўмитаси, «Болалар ва  
оилаларни қўллаб-қувватлаш»  
ассоциацияси (Болалар  
жамғармаси) ва «Соғлом авлод  
учун» халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир:  
Воҳид Луқмонов

Обуна  
индекси — 176

МАНЗИЛИМИЗ:  
Тошкент — 100000.  
Амир Темури кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс)  
233-28-20, Котибият:  
233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavjamiyat@sarkor.uz

Web-site: oilav-jamiyat.uz

Газета 2013 йил 20 мартда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 10-2995 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 536. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 5830. Баҳоиси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти — 15:00 Топширилди — 15:00

Масъул муҳаррир: **О. Жумабоев**  
Мусаххиллар — **С. Сайдалимов,**  
**К. Адашбоева**

Газета таҳририят компьютер мақказида  
терилди ва саҳифаланди  
Саҳифаловчи — **А. Маликов**

